



THE DEVELOPMENT OF THE SPORTS SYSTEM DURING THE SOVIET PERIOD AND ITS SOCIAL SIGNIFICANCE

Azizbek Normuminov

Base doctorate at Karshi State University

sardor3186843@gmail.com

Karshi, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: sports, physical education, Soviet Union, Uzbekistan, women, infrastructure, competitions.

Received: 15.09.25

Accepted: 16.09.25

Published: 17.09.25

Abstract: This article analyzes the formation and development of the physical education and sports system during the Soviet era. Special attention is given to reforms implemented in Uzbekistan in the field of sports, competitions organized among students and youth, women's participation in sports, and the expansion of sports infrastructure. Based on archival sources and scientific literature, the study demonstrates the increasing socio-educational importance of sports in society and the growing international reputation of Soviet athletes.

СОВЕТ ДАВРИДА СПОРТ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ

Азизбек Нормўминов

Қарши давлат университети таянч докторанти,

sardor3186843@gmail.com

Қарши, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: спорт, жисмоний тарбия, Совет Иттифоқи, Ўзбекистон, хотин-қизлар, инфратузилма, мусобақа.

Аннотация: Мазкур мақолада Совет Иттифоқи даврида жисмоний тарбия ва спорт тизимининг шаклланиши ҳамда ривожланиши таҳлил этилган. Айниқса, Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилган ислохотлар, спорт мусобақалари, хотин-қизларнинг спортдаги иштироки ва спорт инфратузилмасининг кенгайиши ҳақида архив материаллари ва илмий адабиётлар асосида маълумот берилган. Тадқиқот натижалари спортнинг жамиятда

ижтимоий-тарбиявий аҳамияти ошиб
борганини ва халқаро майдонда Совет
спортчиларининг нуфузи ортиб борганини
кўрсатади.

РАЗВИТИЕ СПОРТИВНОЙ СИСТЕМЫ В СОВЕТСКИЙ ПЕРИОД И ЕЕ СОЦИАЛЬНОЕ ЗНАЧЕНИЕ

Азизбек Нормуминов

Соискатель степени PhD Каршинского государственного университета

sardor3186843@gmail.com

Карши, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: спорт, физическая культура, Советский Союз, Узбекистан, женщины, инфраструктура, соревнования.

Аннотация: В данной статье рассматриваются формирование и развитие системы физической культуры и спорта в Советском Союзе. Особое внимание уделено реформам, проведенным в Узбекистане в сфере спорта, организации соревнований среди учащихся и молодежи, участию женщин в спорте и расширению спортивной инфраструктуры. На основе архивных материалов и научной литературы показано, что социально-воспитательное значение спорта в обществе возрастало, а международный авторитет советских спортсменов укреплялся.

Кириш. Жамият тараққиётида спортнинг ижтимоий-тарбиявий аҳамияти бекиёсдир. Совет Иттифоқи даврида спорт нафақат аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш воситаси, балки давлат сиёсатида тарғибот ва тарбиянинг муҳим йўналиши сифатида намоён бўлди. Бу жараёнда болалар ва ёшларни жисмонан бақувват, маънан етук шахс сифатида тарбиялаш устувор вазифа сифатида белгиланган эди. Ўзбекистон ҳудудида ҳам жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишига катта эътибор қаратилди, спорт мусобақалари ташкил этилди, спорт инфратузилмаси кенгайди ва хотин-қизларнинг спортдаги иштироки тобора ортиб борди.

Методология. Мақолада тарихий-таҳлилий ва қиёсий усуллардан фойдаланилди. Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА) фондларида сақланаётган расмий ҳужжатлар, статистик маълумотлар ҳамда илмий адабиётлар асосий манба сифатида тадқиқ этилди. Шунингдек, спорт инфратузилмаси ва спортчиларнинг иштирокига оид рақамли кўрсаткичлар таҳлил қилинди.

Адабиётлар таҳлили. Архив манбаларидаги маълумотларга кўра, 1946 йилда ЎзССР аҳолисининг жисмоний тарбия ва спорт билан қамрови жуда паст даражада бўлган

(4,04 %), ammo кейинги йилларда бу кўрсаткични ошириш режалаштирилди [2]. 1953 йилда педагогика билим юртли ва институтларида қизлар фаол иштирок этган енгил атлетика ва сузиш мусобақалари ташкил этилди [2][3]. 1960–1970-йилларда эса спорт инфратузилмаси кескин ривожланиб, 2000 дан ортиқ стадион ва юз минглаб спорт майдонлари фойдаланишга топширилди [4]. 1963 йилда мактаб ўқувчиларининг XVI спартакиадасида қизлар ҳам етакчи ўринларни эгаллаган.

1964 йилга келиб, 43,1 миллион киши жисмоний тарбия жамоаларида қатнашгани, турли спорт разрядларига эга бўлгани қайд этилган [7]. 1973 йилда Тошкент вилоятида 32 мингдан зиёд спортчи, жумладан 6 мингдан ортиқ хотин-қизлар спорт жамоаларида иштирок этган [8]. Совет спортчилари халқаро мусобақаларда юқори натижалар кўрсатиб, шахмат, гимнастика, енгил атлетика ва бошқа турларда жаҳон чемпионлари сифатида танилган [9],[10]. Шунингдек, қишлоқ ёшлари орасида спорт уйинлари ҳам оммалаштирилган, 1974 йилда Самарқандда ўтказилган финал мусобақаларида 300 мингдан ортиқ ёшлар иштирок этган [11][12].

Таҳлил ва натижалар. Спорт инсоният жамияти ҳаётида муҳим ўрин тутати. Спортнинг аҳамияти, айниқса, у кенг халқаро майдонга чиққанидан кейин янада ортиб боради. Спорт учрашувлари улкан томошабинлар оммасини тўплайди. Совет Иттифоқида жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор қаратилган. КПСС Дастурида шундай дейилган: «Партиянинг энг муҳим вазифаларидан бири – болаликнинг илк ёшидан бошлаб жисмонан бақувват, жисмоний ва маънавий жиҳатдан уйғун ривожланган ёш авлодни тарбиялашдир». Совет ҳокимияти йилларида жисмоний тарбия ва спорт ҳақиқий халқ ишига айланди[1, 6-108].

Хусусан, 1946 йили ЎзССРда аҳолининг фақат 4,04 фоизи физкультура ва спорт билан шуғулланган бўлса (қишлоқда бу 0,73 фоиз), 1949 йили 20 фоизга кўтариш режалаштирилди[2].

1953 йили педагогика йўналиши билим юртли ва институтлари ўқувчилар ўртасида енгил атлетика ва сузиш бўйича спорт мусобақалари ташкил этилиб, иштирокчиларнинг аксариятини қизлар ташкил этди[3]. Шунингдек, бу турдаги мусобақалар педагогика институтлари талабалари ўртасида ҳам ташкил этилди. Ушбу мусобақаларда асосан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти етакчилик қилди[4].

1964 йилда совет спортчилари ихтиёрида 2227 та стадион, 54,9 мингта футбол майдони, 341,9 мингта волейбол, баскетбол ва теннис майдони, 23 мингта комплекс спорт майдони, 26 мингдан ортиқ спорт гимнастика заллари ва бошқа кўплаб спорт иншоотлари мавжуд эди. СССРда 17 та жисмоний тарбия институти, педагогика институтларида 51 та

жисмоний тарбия факультети фаолият юритиб, малакали жисмоний тарбия кадрларини тайёрлар эди. Жисмоний тарбия ва спорт ривожланиши муаммоларини ўрганиш билан 3 та илмий-тадқиқот институти шуғулланган[1, 6-108].

Жумладан, 1963 йили 20-26 майда Ўзбекистон мактаби ўқувчиларининг XVI спартакиадаси спортнинг 10 та тури бўйича ўтказилди. Мусобақаларда 1000 дан зиёд ўқувчи ёшлар иштирок этдилар. Спартакиданинг шахмат бўйича мусобақаларида Козулеева, Гольдман, Луковская, Миртичан, Молчанова, Турғунова каби қизлар етакчилик қилди[5].

Совет Иттифоқида спорт билан шуғулланувчилар сони йилдан-йилга ошиб борган. 1964 йилда мамлакатда 191 мингта жисмоний тарбия жамоаси бўлиб, уларда 43,1 миллион киши иштирок этган. Улардан 43 минг киши спорт устаси унвонига, 6 млн. 793 минг киши эса турли спорт разрядларига эга эди.

Енгил атлетика билан тахминан 6,4 миллион киши, волейбол билан 5,6 миллион киши, футбол билан 3 миллион киши, шахмат билан 3 миллиондан ортиқ киши, баскетбол билан 2,9 миллион киши, велосипед спорти билан 1 миллиондан ортиқ киши, гимнастика билан 800 минг киши шуғулланган. Шунингдек, коньки спорт тури, хоккей, сузиш, бокс, оғир атлетика, ўқ отиш, мотоспорт ва бошқа қатор спорт турлари ҳам катта ривож топган[1, 6-108].

Масалан, 1973 йили Тошкент вилоятининг 13 та туманида 120 та спорт жамоалари фаолият кўрсатди. Уларда 32214 нафар спортчи шуғулланиб, уларнинг 6304 нафари хотин-қизлар эди. 120 та жамоанинг фақат 65 тасида спорт-инструкторлари фаолият кўрсатди[6].

Совет спортчилари баландликка сакраш, хоккей, бокс, теннис, коньки спорти каби турларда халқаро шухрат қозонган. Шунингдек, совет шахматчилари нафақат мамлакат ичида, балки бутун дунёда катта обрўга эга. Совет спортчилари жаҳон чемпионлари орасида ҳам муносиб ўрин эгаллайдилар.

Совет спортчилари халқаро мусобақаларда 89 мамлакат спортчилари билан куч синашдилар. Улар халқаро чемпионатлар, жаҳон биринчиликлари, қишки ва ёзги Олимпиада ўйинлари, дўстлик мусобақаларида фаол иштирок этдилар[1, 6-108].

Баландликка сакраш, хоккей, классик ва эркин кураш, гимнастика, бокс, оғир атлетика, ўқ отиш, чанғи ва коньки спорти, енгил атлетика, баскетбол каби спорт турларида Совет спортчилари катта ютуқларга эришган.

Совет шахмат мактаби жаҳонга машҳур. Совет шахматчилари кўп йиллар давомида ҳам аёллар, ҳам эркеклар ўртасида жаҳон чемпиони унвонларини муваффақият билан

қўлда сақлаб келмоқдалар. Совет спортчилари орасида кўплаб жаҳон ва Европа рекордчилари ҳамда чемпионлари бор эди.

Совет Иттифоқи спортчилари халқаро спорт ҳаракатида фаол иштирок этди. Улар беш қитъадаги 89 та мамлакат билан спорт алоқаларига эга эди. Совет Иттифоқининг машҳур спорт усталари ҳар йили 45–50 та расмий мусобақада — жаҳон ва Европа чемпионатлари ҳамда Европа кубокларида, шунингдек, қишки ва ёзги Олимпия ўйинлари, ёшлар ва талабаларнинг халқаро дўстлик ўйинларида қатнашганлар[1, б-109].

1974 йили Ўз ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги қарори билан IV Бутуниттифок қишлоқ ёшларининг спорт ўйинларининг саралаш мусобақалари ўтказилди. Унда 1892 та спорт жамоалари иштирок этиб, уларнинг таркибида 300 мингдан ортиқ спортчилар бор эди[7]. Мусобақанинг финал босқичи шу йилнинг 23-28 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилди. Финалда спортчилар спортнинг 13 тури бўйича беллашиб, жами 1496 нафар иштирокчидан 247 нафари хотин-қизлар эди[8].

Хулоса. Совет Иттифоқи даврида жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши давлат сиёсатида муҳим йўналиш сифатида белгиланиб, унинг ижтимоий аҳамияти тобора ошди. Спорт тизими орқали жисмоний ва маънавий етук авлодни тарбиялаш, аҳолини оммавий спортга жалб этиш, хотин-қизларнинг спортдаги иштироки ва спорт инфратузилмасининг ривожланиши таъминланди. Шу билан бирга, Совет спортчилари халқаро майдонда катта ютуқларга эришиб, мамлакатнинг спорт соҳасидаги нуфузини мустаҳкамлади. Тадқиқот натижалари спортнинг нафақат саломатлик ва маданий ҳаётда, балки сиёсий ва ижтимоий жараёнларда ҳам муҳим ўрин тутганини кўрсатди.

Фойдаланилган манбалар рўйхати:

1. Романовский, С.К. Международные культурные и научные связи СССР. – Москва: Международные отношения, 1966. – 150 с.
2. Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), Р-2310-фонд, 1-ро'йхат, 51-иш, 15–14-варақлар.
3. Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), Р-94-фонд, 5-ро'йхат, 6086-иш, 2–3-варақлар.
4. Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), Р-94-фонд, 5-ро'йхат, 6086-иш, 50-варақ.
5. Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), Р-94-фонд, 7-ро'йхат, 597-иш, 188-варақ.
6. Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), Р-90-фонд, 10-ро'йхат, 6111-иш, 52-варақ.
7. Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), Р-90-фонд, 10-ро'йхат, 6111-иш, 62-варақ.
8. Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), Р-90-фонд, 10-ро'йхат, 6111-иш, 63-варақ.